

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АҲМАДЖОНОВА “Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М.ЖУРАЕВА Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХЎЖАЕВА Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э.ИБРАГИМОВА Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖУРАБОЕВА Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р.АХРОРОВА Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНХЎЖАЕВ Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.УРИНОВА Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадамминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ	117

УДК: 370/372.0+154

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА РУҲИЙ ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

Ж.Отажонов, Ф.Маҳмудова, М.Райимжонова

Аннотация

Ушбу мақолада бола ривожланишида руҳий тарбия масалалари, бошланғич таълимда эмоционал мулоқот фаолиятининг руҳий таъсири каби масалалар таҳлил этилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы психологического воспитания, психологическое влияние эмоционального общения с учащимися начальных классов.

Annotation

In this article the problems of psychological education, the psychological impact of emotional communication activities of the child developing are considered.

Таянч сўз ва иборалар: бола тарбияси, эмоционал фаолият, ҳиссий туйғулар, бошланғич таълим, мактаб муҳити.

Ключевые слова и выражения: воспитание ребенка, эмоциональная деятельность, эмбриональное развитие, эмоциональные чувства, начальное образование.

Key words and expressions: bringing children up, fetal development, emotional activities, mastery of feelings of the child, psychological services.

Бошланғич таълимни такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бошланғич таълимда боланинг руҳий тайёргарлиги, ақлий ривожланишнинг сифат даражаси муҳим саналиб, ўқувчига берилаётган таълим-тарбия усули фақат мантикий, яъни “кўргазмали образсиз” хусусиятга эга бўлса, қийин ўзлаштирадиган ўқувчиларда, яъни “кўргазмали образ” тарзида тафаккурлайдиган болаларда ўқиш жараёни қийинчилик туғдиради. Лекин, шунга қарамай, бошланғич таълим жараёни боланинг мантикий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунёқарашини, ўз-ўзини англаш жараёни саналади. Айни бу давр болани жисмоний соғлом бўлишга, миллий урф-одатларни ўзида сингдиришга, мамлакатимиз бойликларини кўзқорачиғидай асрашга, табиатга онгли муносабатда бўлишга ўргатади. Бошланғич таълим фанлари орқали ўқувчиларнинг умуминсоний ва ахлоқий кўникмалари, дастлабки саводхонлик малакалари шакллантирилади.

Ҳар бир ўқувчи айнан қайтарилмас ва ўзига хос ички имконият хусусиятларига эга. Жумладан, таниқли рус руҳшунос олимлари Л.С.Рубенштейн, А.Н.Леонтьевлар ақлий тараққиёт масаласидаги илмий-тадқиқот ишларида боланинг биологик ривожланиш тараққиётидан унинг онгига берилаётган таълимнинг илгарилаб кетиши лозим эканлиги тўғрисида ўз фикрларини

билдиришган [4.173].

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи – ўқувчилар учун дарс пайтида, кўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаи. Бошланғич синф ўқитувчилари синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёнининг ташкилотчилари ҳисобланадилар.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги барчамизга маълум. Мустақиллик шарофати билан умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга йўналган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди: аввало, замонавий таълим концепцияларига асосланиб, давр талабларига мос дастур, дарсликлар тузилди; ўқувчилар ўзлаштиришини жаҳон андазалари даражасига кўтаришни мўлжаллаб, Давлат таълим стандарт (ДТС)лари танланиб, жорий қилинди. Бу, шубҳасиз, таълим жараёнида болалар ўзлаштиришини илмий асосда

Ж.Отажонов – ФарДУ бошланғич таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси.

Ф.Маҳмудова – ФарДУ бошланғич таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси.

М.Райимжонова – ФарДУ бошланғич таълим ва спорт - тарбиявий иш йўналиши талабаси.

ташқил этиш, бошқариш ва назорат қилишнинг имкониятларини оширди. Ҳуқуқчилар фаолиятида педагогик технология ғояларидан фойдаланиш, ҳуқуқчилар ўзлаштиришини тестлар орқали аниқлаш, рейтинг назоратини жорий қилиш каби янгиликлар муносиб ўрин ола бошлади. Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдига қўядиган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ҳуқуқчиларга боғлиқдир.

Бунда бошланғич синф ҳуқуқчилари танлаган касбга ўз муносабатини бир неча восита орқали билдиради.

Биринчидан, *бошланғич мактаб ҳуқуқчилари ёки тарбиячилари ўз касб фаолиятига нисбатан ижобий муносабатга эга бўлиши зарур, чунки тескари ҳолларда у кўпгина қийинчиликка учраб қолиши мумкин.*

Муносабат, ўз навбатида, касбга қизиқиш, ўз фаолиятининг натижасига масъул бўлиш, ҳар хил болалар билан меҳр билан ишлаш ҳамда ўзининг шахсий ижобий фазилатларини тараққий эттиришдан иборат. Ахлоқ-одоб, эътиқод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик бурчини англаш, кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, болаларга меҳр-муҳаббат, камтарлик каби сифатлар педагогнинг асосий фазилатларидир.

Иккинчидан, юксак малакали педагог бўлиши учун ҳуқуқчилари касбга оид билимларга эга бўлиши шарт. Ҳаммага маълумки, бошланғич синф ҳуқуқчилари битта эмас, бир неча фандан дарс ўтади. Бунинг учун унинг махсус тайёргарлиги бир неча махсус фанларга оид бўлиши керак: она тили, математика, меҳнат, тасвирий санъат, табиатшунослик ва ҳ.к. Лекин, шу билан биргаликда, ўзи эгаллаган билимларни ҳуқуқчиларга тўлиқ етказиш учун ҳуқуқчилари педагогик ва психологик ҳамда хусусий методикадан билимларни эгаллаши шарт.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда ҳуқуқчилари кенг дунёқараш, эркин фикрлаш, жамиятимиз ҳақида илмий тасаввурларга эга бўлиши зарур. Шунинг учун замонавий педагог иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа билимларни эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Кенг илмий савия, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маълумотни оширишга интилиш ҳуқуқчиларнинг билиш соҳасига қиради. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ҳуқуқчилари фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ҳуқуқчиларга, ҳуқуқчиларга ва, ниҳоят, ҳуқуқчиларни ҳам

ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун ҳуқуқчилари аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Ҳуқуқчилари илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давомида фактларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У фан хулосаларидан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ҳуқуқчилари учун зарур бўлган жуда муҳим фазилатларни эгаллайди.

Учинчидан, ҳуқуқчилари ёки тарбиячи уста бўлиши учун у бир неча касбга оид қобилиятларга ва педагогик техникага эга бўлиши керак. Ушбу қобилиятлар педагогнинг асосий функцияларига мос келади.

Замонавий ҳуқуқчилари ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳуқуқчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир. Ҳуқуқчилари мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб ҳаётига фаолиятни уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ҳуқуқчилари ва синф раҳбарининг методик бирлашмаларида ишлади, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ҳуқуқчилари ҳуқуқчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдига маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир, вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ҳуқуқчилари олдига қўядиган талаблари юқоридир.

Маълумки, педагогик фаолият - киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан бири. Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими бўлажак ҳуқуқчиларнинг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган. Ҳуқуқчиларнинг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат:

– ҳуқуқчиларнинг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиши, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғояси билан яшашидан иборатдир;

– ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

– олижаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

– ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг бўлажак ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари қуйидагилардир:

– шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, ўз Ватани, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;

– кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

– ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда киши гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

– ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касби, бошланғич таълим соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

– таълимда тарбия методикасини эгаллаши;

– ўз ишига ижодий ёндашиши;

– болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

– педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

– ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш,

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишга интилиши шарт. Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак атрофдаги кишилар, мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Ўқитувчининг ўз ишидан ниманидир кутаётганлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эгадир, мана шу тариқа кузатиш, гарчанд жамият томонидан ўқитувчига қўйиладиган талабларга мос келса-да, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Лекин бу талаблар ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келмаслиги

мумкин. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, халқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукамал ўзлаштиришини талаб қилсалар, мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб – ҳаммаси билан қандай мулоқотда бўлишини билишни нақадар аҳамиятга эга эканлигига унчалик эътибор бермайдилар, мактаб директори эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

Ўқитувчилик касби энг қийин, лекин шунинг билан бирга фахрли ва олижаноб касблардан биридир. «Ўқитувчи энг масъулиятли вазифа соҳасида ишлайди, - деган эди М.И.Калинин, – у инсонни шакллантиради». Ўқитувчи ўзининг барча таълим-тарбиявий ишларини режали равишда, уни асосий мақсад – «маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган янги одамни тарбиялаш» мақсадида кун сайин интилади, меҳнат қилади.

Ўқитувчи ўқувчи шахсининг шаклланиши фақат дарсларда ва синфдан ташқари машғулотлардагина бошқариб қолмайди. Ўқитувчи ўзининг шахсий намунаси, ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракати билан ўзининг ички маънавий сифатлари билан баъзан ўзи сезмаган ҳолда ўқувчиларга таъсир кўрсатади. Уларнинг идеали бўлиб қолади. Киши кўпинча ўзи энг яхши кўрган ўқитувчисининг таъсири остида ўз ҳаёт йўлини танлаб олади.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Мюнстерберг Г. Психология и учитель. – М., 2008.
3. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – М., 2005.
4. Ғозиев Э.Ғ., Тошимов Р. Психология ўқитиш методикаси. – Т., 2006.
5. Ҳайдаров Ф.И., Халилова Н. Психология ўқитиш методикаси. – Т., 2008.
6. Жон Кехо. Ғайририхтиёрий онг мўъжизалари. – Т.: Муҳаррир, 2009.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).